

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
16.07.2013.Fil.09.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ПАЛУАНОВА ХАЛИФА ДАРИБАЕВНА

**ЭКОЛОГИК ТЕРМИНЛАРНИНГ ДЕРИВАЦИОН-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ
(ЎЗБЕК, ҚОРАҚАЛПОҚ, ИНГЛИЗ ВА РУС ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик**

ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ– 2016

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Content of the abstract of doctoral dissertation

Палуанова Халифа Дарибаевна Экологик терминларнинг деривацион-семантик хусусиятлари (ўзбек, қорақалпоқ, инглиз ва рус тиллари мисолида)	3
Палуанова Халифа Дарибаевна Деривационно-семантические особенности экологических терминов (на примере материалов узбекского, каракалпакского, английского и русского языков)	31
Paluanova Halifa Daribaevna Derivational-semantic peculiarities of ecological terms (on the example of materials in the Uzbek, Karakalpak, English and Russian languages)	59
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of publications	85

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
16.07.2013.Fil.09.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ПАЛУАНОВА ХАЛИФА ДАРИБАЕВНА

**ЭКОЛОГИК ТЕРМИНЛАРНИНГ ДЕРИВАЦИОН-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ
(ЎЗБЕК, ҚОРАҚАЛПОҚ, ИНГЛИЗ ВА РУС ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик**

ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ– 2016

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида 30.09.2014/В2014.5.Fil263 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.tashgiv.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Боқиева Гуландом Ҳисомовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сиддиқова Ирода Абдузухуровна
филология фанлари доктори

Муҳаммедова Саодат Худойбердиевна
филология фанлари доктори

Ҳошимов Ғанижон Мирзааҳмедович
филология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Жаҳон иқтисоди ва дипломатияси университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги 16.07.2013.Fil.09.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2016 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Шахрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru).

Докторлик диссертацияси билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Шахрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2016 йил «___» _____ куни таркатилди.
(2016 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А.М.Маннонов

фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш раиси, филол. ф.д., профессор

Қ.П.Содиқов

фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.д., профессор

А.С.Лиходзиевский

фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раисив.б., филол.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Экологик соҳага оид терминларни тавсифлаш, тиллараро таҳлил қилиш ва терминларни таржима қилиш хусусиятларини аниқлаш дунё тилшунослари олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Президентимиз таъкидлаганидек, «Ўзбекистонда миллий тилларни ривожлантириш учун кенг шароит яратилгани, бугунги кунда юртимизда таълим тарбия муассасалари ва оммавий ахборот воситалари етти тилда фаолият олиб бораётгани жамиятимиз ҳаётида миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда. Кейинги йилларда мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида янада чуқур интеграциялашувини таъминлаш мақсадида чет тилларни, хусусан, инглиз тилини ўқитишнинг комплекс тизими яратилиб, амалда кенг жорий этилмоқда»¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, ундан оқилона фойдаланиш зарур, чунки улар давлат муҳофазасидадир”, деб белгилаб қўйилган.

Инсонни таҳдидга солувчи экологик глобал муаммолар маълумоти бўйича 37% ни, маҳаллий мазмундаги муаммолар эса 63%ни ташкил этади. Одамларнинг 28% ни айна дамдаги экологик ҳолат қизиқтирса, 38% ни яқин келажакдаги экологик аҳвол ва 34% ни узоқ келажакдаги экологик башоратлар қизиқтирган. Бундан кўринадики, аҳолининг 72% келажак экологияси билан қизиққан. Экологик билимлар бўйича олиб борилган тадқиқотлар инсонлар учун мотивацион омил, яъни қатъий ишонч ҳаракатланишга боғлиқ эканлигини эътироф этади. Муаммоларнинг ечимини топишда илм-фаннинг кўп соҳалари шу жумладан, тилшуносликка оид билим ва тажрибага эга бўлиш заруратга айланган. Экологик муаммоларни бартараф этиш учун олиб борилаётган халқаро ва маҳаллий тадқиқотларда қўлланиладиган экологик терминлар турли тизимли тилларда мазмунан бир маънони англатиши мақсадга мувофиқдир.

Экологик терминларни ўзбек, қорақалпоқ, инглиз ва рус тилларида қиёсий тадқиқ қилиш тиллар терминшунослигининг назарий асосларини такомиллаштиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4794-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, 2013 йил 27 декабрдаги ЎРҚ-363-сон «Экологик назорати тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 8 октябрдаги 287-сон «Жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишга доир намунавий низомларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹ЎЗР Президентининг 2016 йил 13 майдаги «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4797-сон Фармони /Lex.uz.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг: I «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи².

Экологик терминларининг структуравий, семантик, функционал-дистрибутив, когнитив-концептуал тадқиқи масаласига оид илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда, жумладан, Oxford University (Буюк Британия), Cambridge University (Буюк Британия), Humboldt Universitat (Германия), the University of Sorbonne (Франция), Kiofo University (Япония), National University of Seoul (Жанубий Корея), Марказий-Европа университети ва «Очиқ жамият» институти (Будапешт, Венгрия), Manchester University (Буюк Британия), Жоржия университетининг экология инсититути (АҚШ), Massachusets Institute of Technology (АҚШ), Indiana University (АҚШ), Москва давлат университети (Россия), Москва давлат лингвистика университети (Россия), Беларусь давлат экология университети (Беларусь), Хитой Фанлар Академиясининг ботаника институти (Хитой), Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети (Ўзбекистон).

Экологик терминларга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқот натижасида бир қатор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: экотерминларнинг лингвистик мавқеи, унинг шаклланиш ва ривожланиши илмий асосланган (Cambridge University, Буюк Британия); экологик терминларнинг таржима ва изоҳли луғатлари назарий жиҳатдан асосланган (Massachusets Institute of Technology, АҚШ), лексикографик назария ва амалиётини ёритиб бериш ишлари такомиллаштирилган (Oxford University, Буюк Британия); экотерминларнинг термин сифатида тилни бойитишдаги моҳияти аниқланган (Humboldt Universitat, Германия); тилшуносликда экотерминларнинг дискурсдаги таҳлили илмий асосланган (Москва давлат университети, Россия; Москва давлат лингвистика университети, Россия); ўзбек, қорақалпоқ, инглиз ва рус тилларидаги экологик терминлар деривацион тамойили илмий асосланган (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети; Ўзбекистон).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида терминшунослик бўйича қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: экологик терминларнинг семантик, структуравий ва лексик қатламларини турли тизимли тилларда таҳлил қилиш; экологик соҳада таржима луғатларини такомиллаштириш; ёш авлодда экологик билим ва тафаккурини шакллантириш; экологик терминлар деривацион хусусиятларининг инглиз, француз, немис ва рус тилларига ўзлашган қатламини аниқлаш.

² <http://www.edu.uz>; britishcouncil.org; internauka.ru; micros.uz; actsudent.org; educationusa.info; americanenglish.state.gov ва бошқа манбалар

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мавзуга бағишланган тадқиқотлар сифатида Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа мутафаккирларнинг асарларини келтириш мумкин. Бу асарларда сув, ҳаёт, ҳаво ва ўсимлик табиат ва тирикликнинг асоси эканлиги билан экологик сўзларнинг қўлланилиши кузатишимиз мумкин.

Қадимги ўзбек тилининг география ва экологияга оид лексикаси Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарида ўз аксини топган³. Унда ўлка, иқлим, об-ҳаво, обихаёт, чакалакзор каби эколексикалар қўлланилган.

Қорақалпоқ тилида бу лексик қатлам халқ дostonларида ўз аксини топган, масалан: ҳаёу райы, дўт тоғайлық, таўлық таслық, жаўынлы, шөлистан, нөлше, кудық, булақ, ойпатлық ва ҳоказо.

Экологик терминлар ҳозирги вақтда кўплаб тилшуносларнинг тадқиқот объектига айланган. Жумладан, Е. Науген ўзининг монографиясида тилшуносликнинг янги йўналиши ҳисобланган эколлингвистика ва унинг вазифаларини батафсил ёритиб берган⁴, В.В. Колошьян ўзининг номзодлик ишида француз публицистик матнида экологик тематикага оид мавзуларни ўрганган бўлса⁵, И.Г. Гусеванинг тадқиқотида балиқчиликка оид экологик терминларнинг когнитив-дискурсив йўналишда таҳлил этилган; И.В. Верегитина рус тилидаги экотерминларнинг деривацион-семантик аспектига эътибор қаратган; Э.А. Галиева татар тили эколексикасининг грамматик хусусиятларини ҳар томонлама ўрганиб чиққан; Н.Н. Крючковойнинг илмий ишида француз тилидаги публицистик экоматнларнинг лексик таркиби тадқиқ этилган; М.А. Ковязинанинг илмий иши икки тиллик экологик тезаурус луғатнинг функционал моделига бағишланган ва таҳлил қилинган; Е.А. Латышевскаянинг тадқиқот иши инглиз тилидаги экология тизимининг

³Бобурнома. Китоб-3-закоат – Тошкент, 1989; Машрабов З., Шоакрамов С. Асарларни бўйлаган Бобур. – Тошкент, 1997.

⁴Е. Naugen. The ecology of language. Standford. CA, Standford University Press. 1972.- p. 27-51

⁵Қаранг: Колошьян В.В. Лексикостилистическая характеристика французских публицистических текстов экологической тематики. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Москва, 2007; Гусева И.Г. Когнитивно-дискурсивный анализ межотраслевой экологической терминологии в области рыбного промысла. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Калининград, 2004; Верегитина И.В. Терминология системного комплекса научных экологических знаний: деривационно-семантический аспект. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Москва, 2006; Крючковой Н.Н. Лексико-семантические, словообразовательные и структурные особенности экотерминов в русском и немецком языках. Автореф.дисс. ... канд.филол.наук. – Москва, 2006; Верегитина И.В. Терминология системного комплекса научных экологических знаний: деривационно-семантический аспект. Автореф.дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2006; Ковязина М.А. Функциональная модель двуязычного экологического словаря-тезауруса. Автореф.дисс. ... канд. филол. наук. – Тюмень, 2006; Латышевская Е.А. Становление и развитие системы экологии в английском языке. Автореф.дисс. ... канд. филол. наук. – Омск, 2012; Горохова Е.М. Особенности становления терминосистемы «экология почвы» в английском и русском языках. Автореф.дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2007; Жабо Н.Н. Экотерминосистема французского и русского языков: структура, семантика, особенности и способы перевода. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2015.

шаклланиш ва ривожланишини тарихий жиҳатдан босқичларга бўлиб ўрганган бўлса, Е.М. Горохова инглиз ва рус тилларидаги «ер экологияси» терминлар тизимининг шаклланиш хусусиятларининг ўзига хос ва фарқли жиҳатларини ажратиб кўрсатиб ўтган; Н.Н. Жабо француз ва рус тилларидаги экотерминларнинг структураси, семантика ва уларни таржима қилиш хусусиятларини тадқиқ қилган; Х. Жамалхановнинг тадқиқот иши биологияга оид терминларни тадқиқ этган бўлиб, бунда муаллиф мазкур терминларнинг энг қадимий, умумтуркий қатламларни аниқлаган⁶; Қорақалпоқ терминшунос олими М. Бурановнинг диссертациясида чорвачилик терминлари ва уларнинг ясалиш хусусиятлари тадқиқ қилинган⁷; М.Д. Қурбонова қорақалпоқ тилидаги ва Қорақалпоғистон топонимлари таркибида қўлланиладиган географик терминларни тўплаш, уларнинг тарихий илдизларини аниқлаш, мавзуга оид гуруҳларга ажратиш ва семиотик хусусиятларини аниқлаган. Қайд этилган манбалар экологик терминлар назарияси ҳамда ясалиш хусусиятларини ўрганишда муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Лекин экологик терминларнинг турли тизимли тилларда қиёсий планда тадқиқот предмети сифатида ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИОТ-2016-1-15 «Экология ва табиатни муҳофаза қилиш фанидан рус ва ўзбек тилларида электрон дарслик яратиш» (2016) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек, қорақалпоқ, инглиз ва рус тилларидаги экологик терминларнинг синтактик-, лексик-, семантик- ва номинатив-деривацион хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари турли тизимли тилларда экологик терминларнинг:

- тилшуносликда ўрганилишини ёритиб бериш;
- деривацион тамойилларни аниқлаш;
- синтактик-деривацияларни ишлаб чиқиш;
- лексик-деривацияларни аниқлаш;
- семантик-деривацион хусусиятларини очиб бериш;
- номинатив-деривацион белгиларини ёритиб бериш;
- ўзбек, қорақалпоқ, инглиз ва рус турли тизимли тилларидаги экологик терминларга таъсир этувчи объектив сабаб ҳамда омилларни илмий асослаш;
- ўзбек, қорақалпоқ, инглиз ва рус тилларига ўзлашган экологик терминларнинг ясалиш ресурсларини аниқлаш;
- кўп тилли махсус таржима луғатини яратиш.

6 Джамалханов Х. Из истории формирования и развития узбекской ботанической терминологии. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1968.

7 Қаранг: Буранов М. Қорақалпоқ тилидаги географик терминларни лексик-грамматик хусусиятлари. Филол.фанлари номзоди...дис. автореф. – Т.,1972; Қурбонова М.Д. Қорақалпоқ тилидаги географик терминларни лексик-грамматик хусусиятлари. Филол.фанлари номзоди...дис. автореф. – Н. 2011;

Тадқиқотнинг объекти ўзбек, қорақалпоқ, инглиз ва рус тилларида экологик терминлар.

Тадқиқотнинг предмети турли тизимли тилларда экологик терминларнинг синтактик-, лексик-, семантик- ва номинатив-деривацион хусусиятлари.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда тавсифий, қиёсий-типологик, тарихий-этимологик, компонент таҳлил, семантик майдон таҳлили, лингвостатистик методлар каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ўзбек, қорақалпоқ, инглиз ва рус тилларидаги экологик терминларнинг деривацион тамойиллари аниқланган;

ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги экологик терминларнинг белгилари, дискурсада прагмалингвистик воқеаланиши ва тарихий шаклланиши илмий асосланган;

мустақил терминологик тизим сифатида турли тизимли тиллардаги экологик терминларнинг лексик-, синтактик-, семантик- ва номинатив-деривацион хусусиятлари очиб берилган;

экологик терминларнинг ўзбек, қорақалпоқ, инглиз ва рус тилларига ўзлашган қатламнинг миқдорий кўрсаткичи аниқланган;

Тадқиқотнинг амалий натижаси:

чет тилини ўрганишда экологик терминларнинг деривацион тизимини ривожлантириш ва қиёсий атамашунослик тамойилларини такомиллаштириш бўйича бир қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

экологик терминлар бўйича таҳлил қилинган материаллар асосида мутахассис ва талабалар учун «инглизча-русча-ўзбекча-қорақалпоқча экологик терминлар» таржима луғати яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги чиқарилган хулосаларнинг қатъийлиги, муаммонинг аниқ қўйилиши, ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, фактик тил материали ва мутасадди ташкилотлар тавсиясига кўра чоп этилган луғатлар, полиграфик ҳамда электрон нашр маҳсулотларидан олинганлиги ва натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, унинг натижалари экологик терминларнинг тилдаги мавқеини кўрсатиб беради ва қиёсий терминология соҳасининг тадқиқот тамойилларини янада бойитади. Диссертацияда келтирилган фикр-мулоҳазалар ўзбек, қорақалпоқ, инглиз ва рус тилларининг терминологик тизимини ёритишда илмий манба сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти экологлар ва экологик фаолият билан боғлиқ бўлган мутахассислар амалий ва илмий изланишларида материал сифатида, таржимонлар эса қўлланма сифатида фойдаланишлари мумкин. Шунингдек, термин назарияси, қиёсий терминология, ёзма ва оғзаки таржимага оид махсус курсларда «Лексикология», «Таржима назарияси» каби фанларни ўқитиш жараёнида

ҳам кенг фойдаланиш мумкин. Ишда таҳлил қилинган эколексемалар келгусида экологик соҳада яратиладиган луғатлар учун манба сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши. Турли тизимли тилларда экологик терминларнинг шаклланиш ва ривожланиши, деривацион хусусиятларини тадқиқ қилиш жараёнида ишлаб чиқилган қиёсий типологик таклифлар асосида:

турли тизимли тилларда экологик терминлар «Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси)» ҳамда «Хорижий тил ва адабиёти (роман-герман филологияси)» бакалавр таълим йўналишларида «Умумий тилшунослик», «Чет тили амалий курси», «Тил назарияси», «Қиёсий типология ва таржима назарияси» фанлари бўйича узвийлаштирилган Давлат таълим стандарти (O'zStandart Давлат агентлигида 2014 йил 18 сентябрьда O'zDSt 36.1410:2014 №05-573 қайд рақами билан рўйхатга олинган) мазмунига сингдирилган. Таклиф этилган материаллар сўз яшаш моделлари асосида экологик лексика ҳосил қила олиш усулларини, кенг кўламдаги байналмилал экологик терминларни фарқлаш ва уларни ўзбек, қорақалпоқ, инглиз ва рус тилларида таққослаш хусусиятларини очиқ беришга хизмат қилади;

тилшуносликда экологик терминлар «Лингвистика (роман-герман филологияси)» ҳамда «Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили)» магистратура таълим йўналишларида «Асосий чет тили», «Қиёсий тилшуносликнинг замонавий йўналишлари», «Касбга йўналтирилган инглиз тили» фанлари бўйича узвийлаштирилган Давлат таълим стандарти (O'zStandart Давлат агентлигида 2014 йил 8 июлда O'zDSt 36.1033:2014 №05-557-қайд рақами билан рўйхатга олинган) мазмунига сингдирилган. Турли тизимли тилларда экологик соҳага тааллуқли матнларни англаш, экологик терминларнинг матнда қўллашнинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиш орқали сўз ва терминлар маъносини таҳлил қилиш стратегиялари ва босқичларини ва соҳага оид терминларни қўллай олиш ва таржима қилиш усулларини ёритиб бера олади;

тилшунослик ва экологиянинг интеграциялашуви борасидаги таклифлар ИОТ-2016-1-15 «Экология ва табиатни муҳофаза қилиш фанидан рус ва ўзбек тилларида электрон дарслик яратиш» (2016) мавзусидаги инновацион лойиҳа ишида фойдаланилган. Таклиф этилган материаллар табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар, унинг ривожланиши ҳақида билимлар, инсоннинг атроф муҳитга муносабатини белгиловчи мезонлар талқинини ўзбек ва рус тилларида ёритиб беришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 18 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, «Замонавий тилшунослик ва хорижий тилларни ўқитишнинг долзарб масалалари» мавзусидаги илмий-услубий анжуманда (Тошкент, 2008-2016), «Хорижий тиллар бўйича талабалар билим даражасини аниқлашнинг замонавий масалалари» мавзусидаги халқаро анжуманда (2010-2015), Ежегодная научная конференция в лингвистике (Краснодар, 2012), «Хорижий тил таълимини модернизация қилиш

муаммолари ва истикболлари» мавзусидаги конференцияда (Тошкент, 2014), «Чет тилларни ўқитишнинг замонавий технологияси» мавзусидаги илмий-амалий анжуманда (Тошкент, 2014), ЎзДЖТУ миқёсида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуманларда (Тошкент, 2008-2016), Язык и культура (Новосибирск, 2014), Content-based learning in Uzbekistan: opportunities and challenges. International conference (Tashkent, 2015), Приоритетные научные направления: от теории к практике (Новосибирск, 2016) мавзуларидаги республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 2та монография ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 3таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 230 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи боб «**Турли тизимли тилларда экологик терминларнинг назарий-методологик асослари**» деб номланиб, унда терминология тизимига доир мулоҳазалар, дунё тилшунослигида мавжуд бўлган илмий-назарий қарашлар умумлаштирилган ва уларга муносабат билдирилган.

Терминлар инсоннинг фикрлаш фаолияти маҳсули, тамойиллар, қоидалар, қонунлар, назариялар шаклланишига хизмат қилувчи восита сифатида фан ва техника тилининг муҳим таркибий қисми. Терминлар нафақат тилшунослар, балки турли соҳа мутахассислар учун ҳам фойдаланиш манбаидир.

Терминологик тизимларнинг шаклланиши ва қарор топиши соҳадаги ўзбек ва қорақалпоқ экологик терминологияси асосан, икки манба: тилнинг ички имкониятлари ва хорижий тиллар унсурлари (сўз ва сўз бирикмалари) асосида ривожланиб ва бойиб бориши аниқланди. Жумладан, Г.О. Винокур термин – бу алоҳида сўз эмас, балки аташ функциясини бажарувчи сўзлардир» – деб таъкидлайди⁸. Терминнинг ўзига хослигини очиб берган олим А.С. Герднинг фикрича, термин илмий тушунчага оид маънони англатадиган сўзга боғланади. Бироқ бу маъно илмий тушунчанинг фақат асосий, муҳим белгиларини акс эттиради. Ваҳоланки, унинг таърифида ифодаланган маъно кенгроқ бўлади. Термин ҳақидаги масалани ҳал қилишнинг калити, аввало, ушбу аниқ билимнинг максимал даражада тўлиқ тузилишини моделлаштиришдан иборатлиги таъкидланган⁹.

Терминга нисбатан меъёрий талаблар рус терминологик мактаби асосчиси Д.С. Лотте томонидан тизимлилик, терминнинг контекстга боғлиқ эмаслиги, қисқалик, мутлақ ва нисбий бир маънолик, оддийлик ва тушунарлилик, терминнинг жорий этилганлик даражаси билан ифодаланган¹⁰.

Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясини қиёсий тадқиқ қилган П. Нишонов «Терминлар семантик жиҳатидан махсус соҳа доираси

⁸Винокур Г.О. О некоторых явлениях словообразования в русской технической терминологии/Татаринов В.А. История отечественного терминоведения – Т. –Классики терминоведения. Очерк и хрестоматия. – М.: Московский лицей, 1994. – С. 218 - 284.

⁹Герд А.С. Еще раз о значении термина // Лингвистические аспекты терминологии.– Воронеж: Изд-во Воронеж.ун-та, 1980. – С. 3-9.

¹⁰Қаранг: Лотте Д.С. Краткие формы научно-технических терминов. – М.: Наука, 1971.; Лотте Д.С. Основы построения научно-технической терминологии. Вопросы теории и методики. — М.: Изд-во АН СССР, 1961. – 157с

билан чегараланиши ва шу соҳага оид тушунчани ифодаловчи лексик бирликдир»¹¹ дея таъкидлайди. Р.Г. Пиотровский терминология луғат таркибининг бошқа қатламлари ва асосий сўз фонди билан яқиндан боғлиқлиги, аввало, тилдаги сўз яшаш воситаларига оид терминларни ҳосил қилиш фикрни билдирган¹².

Экологик терминларни тадқиқ қилиш ўзбек тилшунослигининг муаммоларидан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан типологик жиҳатдан ҳар хил бўлган тилларнинг термин тизимларини ўрганиш лозим.

Тарихий манбалар эколексиканинг Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа кўпгина мутафаккирларнинг асарларида ўз ифодасини топган. Жумладан, Алишер Навоий табиатда содир бўладиган аксарият воқеа ва ҳодисаларни инсонларга намуна сифатида кўрсатади. Бобур эса ўзининг машҳур «Бобурнома» асарида Фарғона водийсига хос иқлим, табиий шароитлар, гўзал дала ва қирлар, ўзи томонидан ташкил этилган «Боғи Шаҳроро», «Боғи Жаҳоноро», «Боғи Наврўзий» ҳақида маълумотлар келтирилган бўлиб, ушбу мемуар асарда ўзбек тилининг география ва экологияга оид лексикаси ўз аксини топган. Масалан: *боғча, дармон, заҳар, заҳ, камалакмуҳит, табиий, йил фасллари, дунё, нур, табиат, модда, зор, жаҳон, ҳалокат, жинс, ҳайвон, ҳаво* ва *ҳоказо*¹³.

Буюк аллома Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий рисоаларидан бирида шундай деб ёзади: *«Билинги, дарёнинг кўзлари ёшланса, унинг бошига гам, кулфат тушган бўлади. Одамлар, дарёдан мехрингизни дариг тутманглар»*¹⁴.

Хорижий тилшуносликда экологик терминлар тадқиқига Т.М. Гарипованинг бошқирд тилида сўз яшашга бағишланган тадқиқоти, турк тиллари эколексикасида *кўк-осмон, улои-ўт* каби лексемалар тадқиқ қилинган¹⁵. Экологияга оид табиат терминларининг рус, татар тилларидаги эквивалентларининг қиёсий ўрганилишига бағишланган тадқиқотлардан бири В.С. Дмитриева ва Г.И. Илдархановалар томонидан тадқиқ қилинган¹⁶. О.Н. Бятикованинг «Татар адабий тилидаги балиқчилик лексикаси» мавзусидаги тадқиқот иши (2003) татар тилида *корбап балыгы* “лешч”, *килька* “килька”, *салака* “салака”, *камбала* “камбала”, *чуртан* каби балиқлар

¹¹Нишонов П. Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг қиёсий-типологик тадқиқи. Номз.диссер... автореф. – Тошкент, 2009,– Б .17

¹²Пиотровский Р.Г. К вопросу об изучении термина // Татаринев В.А. История отечественного терминоведения. – Т.2.: Направления и методы терминологических исследований. Очерк и хрестоматия. Кн.1. – М.: Московский лицей, 1995. – 333с. – с. 205-206.

¹³Бобурнома. Китоб-закот – Тошкент, 1989; Машрабов З., Шоакрамов С. Асрларни бўйлаган Бобур. – Тошкент, 1997.

¹⁴Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий. Китоб сурат ал-арз. – 847

¹⁵Гарипов Т.М. Башкирское именное словообразование. – Уфа: Акад. наук СССР, Башк. филиал Инс-т истории языка и лит-ры, 1959. – 223 с.

¹⁶Дмитриева В.С. Лексика природных явлений в русском, татарском и турецком языках. – Казань: Фон, 1998. – 105 с.

номини ўрганишга бағишланган.¹⁷ И.Г.Гусеванинг «Когнитивно-дискурсивный анализ межотраслевой экологической терминологии в области рыбного промысла» мавзусидаги тадқиқотида ов экологиясига оид тармоқлараро инглиз терминологиясининг таҳлили келтирилади. Шунингдек, тадқиқотда «Ов экологияси» макрофрейми, унинг фреймлари когнитив таҳлили келтирилиб, фрейм гуруҳлари бўйича терминологик бирликларнинг концептуал таҳлили амалга оширилган, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, фрейм гуруҳлари орасида когнитив алоқаларнинг мавжудлиги аниқлаган.¹⁸ Е.А. Латышевскаянинг инглиз тилидаги экология тизимининг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятларига бағишланган тадқиқотида инглиз тилидаги экология оид лексик бирликлар тарихий жиҳатдан босқичларга бўлиб тадқиқ қилинган¹⁹. Инглиз тилидаги экологик терминларни 3та тарихий босқичда лексик семантик гуруҳларга ажратган. Экологик терминлар ривожланишининг 1-босқичида лексик семантик гуруҳ *global ecology* ва *human ecology*га бўлинган: *water, human, forest, nature, earth, condition, development, license, damage, chlorine, scrap* терминларнинг 2-босқичида ЛСГлар миқдори кўпайиб, мазкур терминлар сони 164тага етганлиги кузатилади.

И.В.Верегитинанинг тадқиқот иши экотерминларнинг деривацион-семантик жиҳатига бағишланган²⁰. Мазкур ишда экологик фанларнинг тизимли мажмуи ва унга хос тилнинг мавжуд эканлигини илмий жиҳатдан асосланган, термин ясовчи тизим сифатида таърифланган, атама бирликларининг деривацион-семантик хусусиятлари ёритилган. Синонимик мосликларни кўрсатган: «сўз – сўз бирикмаси», масалан: *антэкология*–гул ва ўсимлик экологияси; *археоэкология* – қадимги одам экологияси; *аутэкология* – зотлар экологияси, *биоэкология*–анъанавий экология; «сўз бирикмаси – сўз бирикмаси», масалан: *глобал экология* – катта экология, умуминсоний экология; *сув тубида яшовчилар экологияси* – бентос экологияси; *динамик экология* – эволюцион-динамик экология; *маънавий экологияси* – жамият маънавий ҳаёти экологияси. И.В.Верегитинанинг ишида уя ҳосил қилувчи термин бирликлари ҳам оддий термин бирикмаси асосида ҳосил қилинганлигига ишора қилади: *экологик меъёрлаш*; *экологик прогнозлаш*; *экологик лойиҳалаштириш*; *экологик экспертиза*; *эко-географик экспертиза*.

Терминологик деривация экологик термин тизимида асосий омил ҳисобланади ва уни барқарорлаштириш, шакллантириш ва эволюция воситаси бўлиб хизмат қилади. Барча деривацион жараёнларни экологик терминларнинг деривацион салоҳияти ва когнитив хусусиятларини акс эттирувчи натижа сифатида талқин қилиш мумкин.

¹⁷Бятикова О.Н. Лексика рыбаловства в татарском литературном языке. Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Москва, 2003. – 18 с.

¹⁸Гусева И.Г. Когнитивно-дискурсивный анализ межотраслевой экологической терминологии в области рыбного промысла. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2003.

¹⁹Латышевская Е.А. Становление и развитие системы экологии в английском языке. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Омск, 2012

²⁰Верегитина И.В. Терминология системного комплекса научных экологических знаний: деривационно-семантический аспект. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Краснодар, 2006.

Деривация тушунчаси сўз яшаш жараёнларини белгилашда сўз яшаш терминига тенглаштирилади. Лекин лексик ва синтактик деривация фарқлангандан сўнг²¹, деривация тушунчаси тил шакллари сўз чегарасидан ташқарида яшаш жараёнларига нисбатан қўлланила бошланди. Деривация тушунчасининг кенгайиши деривацион жараёнларни матн даражасида тадқиқ қилишга олиб келди ва дериватология томонидан ўрганила бошлади.

Деривация тушунчаси XX асрнинг ўрталарида Прага тилшунослик мактабининг намоёндаларидан бири Ежи Курилович томонидан киритилган. Олимнинг «Деривация лексическая и деривация семантическая» номли мақоласи²² чоп этилгандан кейин рус тилшунослигида дериватология масалалари тадқиқига эътибор кучайди.

Ўзбек тилшунослигида ҳам дериватология масалаларига бағишланган жиддий илмий ишлар бажарилди ва бунинг натижасида ўнга яқин диссертациялар ҳимоя қилинди ва илмий мақолалар ёзилди²³.

Деривация, албатта, бирор материал асосида воқеаланади, бундай материал ёки хомашё дериватологияда оператор деб номланади. Деривация ҳодисаси операторсиз воқеаланмайди. Чунки оператор лексик деривацияда ҳам, синтактик деривацияда ҳам уларнинг вужудга келишини таъминловчи асосий восита саналади. Шу боис дериватологияда оператор деривациянинг мутлақ ҳоким унсури сифатида талқин этилади²⁴.

Лексик деривация тушунчаси тилшунослик фанида қадимдан ўз ўрнига эга бўлса ҳам, унинг бир бўғинли сўзлар доирасида формал-структур таҳлил нуқтаи назаридан талқин этилиши илмий янгиликни тақозо этади ва тилшунослик фани тараққиётининг ҳозирги босқичи даврида ўта долзарбдир. Зотан, ҳосила структуралар деривацион хусусиятлари нафақат тил системаси унсурлари ўртасидаги муносабатлар доирасида, балки система унсурларининг нутққа кўчирилиши масалалари талқини сатҳида ҳам салмоқли аҳамият касб этади²⁵.

Лексик деривация ҳар доим иккиламчи номинацияга ишора қилади. Бу жараёнда эса, ўз навбатида, деривация учун асос бўлаётган туб ҳамда ҳосила структура қолипида семантик номуштараклик рўй беради. Чунки лексик деривация ўз табиатига кўра марказдан қочувчи характерга эга.

Экологик терминларнинг деривацион тадқиқи уларни тузилиши бўйича ҳар хил лексик бирликларга оидлигини кўрсатади. Ушбу факт таҳлил

²¹Курилович Е. Очерки по лингвистике.– М., 1962. –С 57-70.

²²Курилович Е. Деривация лексическая и деривация синтаксическая//Очерки по лингвистике.-М.: Иностранная литература, 1962.

²³Қаранг: Турниязова Ш.Н. Ҳозирги ўзбек тилида матн тилининг матн шаклланишининг деривацион хусусиятлари. Филол.ф.н. дисс.... автореф. – Тошкент., 2010.; Турниязов Н.Қ. Ўзбек тили деривацион синтаксисга кириш.–Самарқанд, 1990. ;Четин М. Ҳозирги ўзбек ва турк тилларида сўз бирикмалари синтактик деривацияси. Филол.ф.н. дисс.... автореф. – Самарқанд, 2002.; Холияров Л. Ҳозирги замон немис тилида содда гаплар деривацияси. Филол.ф.н. дисс.... автореф. – Тошкент, 2004. Шодиев. Э. А. Навоий ва форс тожик адаблари., Т., 1989;

²⁴Храковский В.С. Трансформация и деривация // Проблемы структурной лингвистики - 1972. – М., 1972. – С.599.

²⁵Турниязова Ш.Н. Ҳозирги ўзбек тилида матн тилининг матн шаклланишининг деривацион хусусиятлари. Филол.ф.н. дисс.... автореф. –Тошкент, 2010. – Б.46.

этилаётган лексика қатламини биринчи навбатда, айнан шу позициядан ўрганишга ундади.

Е.Курилович томонидан таклиф этилган «синтактик дериват» термини тушунчаси замирида сўз яшанинг икки жараёни – лексик ва синтактик деривацияни фарқлаш назарияси мужассам²⁶. «...синтактик деривация бир хил лексик маъно ичида содир бўлади. Лексик деривация эса бошланғич ва ҳосила сўзлар бирламчи синтактик функцияси бўйича бир бирига тенг»²⁷.

Экологик терминларни аввало лексик, синтактик ва номинатив деривация сифатида кўриш билан бир қаторда, сўз яшанинг бу усулида семантикада ҳам ўзгариш рўй бериши кузатилди.

Деривация назариясининг пайдо бўлиши ва ривожланиши турли деривацион моделлар курилишига ҳам хизмат қилди, бунинг натижасида турли тиллар тизимларида иккиламчи тил бирликларининг белгиланиши, деривацион тузилмалар пайдо бўлиши ва турли хил формал операциялар ўртасидаги алоқаларнинг ўрнатилиши, шунингдек бу жараёнларнинг семантик хусусиятларини тадқиқ этишга замин яратади²⁸.

Ўзлаштирма сўзларнинг тушунчалар тизими ва уларни ифодалаш усуллари такомиллаштириш зарурати туфайли пайдо бўлади. Ўзлашма экологик терминларнинг лексик, морфологик ва сўз яшаш усуллари аниқланди.

Экологик терминлар доирасидаги семантик деривация лингвистик тадқиқот нуқтаи назаридан аҳамиятли. Янги номинатив бирликлар пайдо бўлишининг ушбу йўли ҳозирги пайтда ушбу соҳада энг самарали ҳисобланади.

Сўз яшаш тил номинациясининг махсус соҳаси ҳисобланади²⁹. Миллий ўзига хослик сўз яшаш даражасида ҳам намоён бўлади. Экологик терминлар деривацион тизимда термин яшанинг синтактик усулининг асосини ташкил этади ва морфологик деривация доирасида суффиксация ҳукмронлик қилади. Чунки у энг самарали ва кўп ишлатиладиган чет тилидан олинган суффиксал формантлардан иборатдир. Экологик терминларнинг деривацияланиш жараёнлари бир вақтнинг ўзида лексикализация ва суффиксация билан ифодаланиши мумкин.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Турли тизимли тиллардаги экологик терминларнинг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятлари**» деб номланади. Мазкур бобда «Турли тизимли тилларда экологик терминларнинг белгилари» муносабати ёритилган. Экологик терминларнинг дискурсада прагмалингвистик жиҳатдан воқеаланишини тадқиқ қилишда тилшунослар қуйидаги тамойилларга суянишлари мумкин. Қиёсланаётган тиллардаги экологик терминлар қуйидаги хусусиятларга эга эканлигини аниқланди: экологик термин – махсус тушунчани ифодаловчи восита; экологик термин

²⁶Курилович Е. Очерки по лингвистике.– М., 1962. –60 с.

²⁷Ўша ерда – С.62-63.

²⁸Буянова Л.Ю. Терминологическая деривация в современном русском языке (метаязыковой аспект) – Краснодар, 1996.

²⁹ Никитевич В.М. Основы номинативной деривации. Мн., 1985.– 157 с.

икки хил табиатга эга: у бир пайтнинг ўзида тил бирлиги ва экологик билим бирлиги сифатида намоён бўлади; лисоний белги сифатида экологик термин деннотатив, сигнификатив, синтагматик, категориал ва грамматик маъноларга эга; экологик термин бошқа тил бирликларидан қўлланиш доирасига кўра фарқ қилади, чунки у махсус мақсадларда қўлланадиган тилнинг асосий элементи ҳисобланади; экологик термин маълум терминлар тизими доирасида бошқа терминлар билан тартибли муносабатларга киришади; экологик терминлар тизими луғатлардаги лексикографик тавсифлар натижаси, унинг таркиби маълум соҳа тушунчалари тизимининг таркибига айнан ўхшаш.

Экологик терминларнинг қисқа шаклларда кўпроқ қўлланилиши нутқий тежамкорлик қонунининг таъсири ва уларни нутқда қўллашнинг қулайлиги билан изоҳланади.

Экологик терминлар тизимида у ўзбек ёки қорақалпоқ, инглиз, рус тилларида бўлишидан қатъи назар, синонимия ҳодисалари кузатилади: *диссимиляция* – ўзб. *диссимиляция* – қорақ. *диссимиляция*, ингл. *dissimilation* – рус. синоними – ингл. *catabolism*; рус, ўзб, қорақ. *катаболизм* – изоҳ: *организмдаги мураккаб органик моддаларнинг парчаланиши*.

Экологик терминларнинг кўп қисмини эмоционал экспрессив коннотатив маънога эга лексемалар ташкил қилади: ингл. *environmental sustainability* – рус. *устойчивость окружающей среды* – ўзб *атроф-муҳит барқарорлиги* – қорақ. *қоршаган орталықтың турақлылығы*, изоҳи: “*атроф-муҳитнинг инсоннинг таъсирига чидаш қобилиятидир. Экологияда бу атама биохилма-хилликни сақлаб қолиш ва ривожлантиришига бўлган биологик тизимнинг қобилиятини англатади. Сувли ботқоқликлар ва ўрмонзорлар биологик барқарор тизимга хос мисолдир*”.

Иккинчи бобнинг иккинчи бўлими «Турли тизимли тилларда экологик терминларнинг шаклланиш тарихи» деб номланган. Ўзбек ва қорақалпоқ лексикасининг шаклланишида бошқа тиллардан қабул қилинган ўзлашма сўзларнинг қайси тилдан қабул қилинганини ҳисобга олган ҳолда қуйидагича гуруҳлаш мумкин: умумтуркий экологик лексика; ўзбек ва қорақалпоқ тилларининг фақат ўзига тегишли лексикасининг шаклланиши; ўзлаштирама эколексемалар; араб ва форс тилидан қабул қилинган эколексемалар; мўғулча, татарча сўзлар; рус тилидан ва у орқали бошқа Европа тилларидан қабул қилинган экосўзлар.

Умумтуркий лексика ўзбек, қорақалпоқ (ва бошқа туркий тилларда) эколексиканинг шаклланишида энг дастлабки ва энг асосий негиз, деривация бўлиб хизмат қилган. Ушбу тилларда рельеф ва ўсимликлар турларини номлашда ва ҳозирги даврга келиб ўзига хос бир ҳолат, яъни *-ли (-лик)* – *чилик* суффикслари иштирок этган универсал модель юзага келди лекин бу қадимги туркий тилда кузатилмаган. Бу сўз ясовчи моделнинг ўзбек ва қорақалпоқ тиллари учун янгилик бўлиб қолганлиги ва мустаҳкам жой олганлиги туфайли унинг таъсирида янги модель ва сўзлар яратилмоқда: *тоғли, таўлық, настлик, дўнглик, тоғу-тош, наст-баланд*. Умумтуркий

эколексиканинг асосий намуналари, энг аввало, осмон, коинот ва об-ҳаво ҳодисаларини номлашга хизмат қилади: *ер-жер*; *сув-суў*; *кўк-көк* ва ҳ.к.

Қорақалпоқ тилида бу лексик қатлам халқ дostonларида ўз аксини топган. Масалан: *ҳаўа райы*, *дўт тоғайлық*, *таўлық таслық*, *жаўынлы*, *шөлистан*, *нәше*, *қудық*, *булақ*, *ойпатлық* ва ҳоказо.

Илм фан ва техника тараққиёти туфайли аста-секин “*қўриқ ерларни ўзлаштириш*”, “*кимёлаштириш*” каби янги сўзлар пайдо бўлди. Бундай сўзлар ўша давр ҳодисаларини номлаш учун жуда зарур эди. Илмий терминлар, экологик терминлар ўзбек ёки қорақалпоқ тилларининг қонуниятлари ва ривожланиш хусусиятлари асосида ясалади. Масалан: *герметиклаштириш* (герметизация), *кислоталилик* (кислотность), *оксидлашиш*, *хлорлаш*, *кристаллашув*, *филтрланиш*, *нурланиш*, *минераллаштириш*, *дехлорация*, *конкуренция*, *концероген*, *абориген*, *радиация*, *гербецид*, *санитария*, *гигиена*, *эволюция*, *эрозия* кабилар.

Ҳамма тилларда четдан сўз ўзлаштириш жараёни юз беради деган қараш атамашунослигига ҳам мос келади. “Ҳамма тилларда ҳам янги тушунчани ифодалаш учун ё бошқа тилдан тайёр термин қабул қилинади, ё шу тилнинг ўзида мавжуд бўлган сўз ёки терминдан фойдаланилади, ё бўлмаса янги термин ясалади”, – деб ёзади С.Акобиров³⁰. Ўзлаштириш деривацион жараён сифатида лингвистикада анча яхши ўрганилган. Рус тилшунос олими Л.П.Крысин одатда икки тил ўртасида муайян даражада узок давом этган алоқалар натижасида бир тил элементларининг бошқа тил тизимига ўтиши сифатида кўриб чиқилишини таъкидлайди³¹.

Араб ва форс тилидан ўзлаштирилган сўз ва морфемаларнинг русча ва бошқа европа тилларидан қабул қилинган лексемалар билан бирикиши натижасида мураккаб сўз бирикмалари ҳосил бўлади: *табиат қонунларини ўрганиш*, *табиат объектлари*, *табиат системаси*, *дунё океани*, *ҳаво бассейни*, *географик муҳит*, *табиий ресурслар*, *табиий ландшафт*, *рельеф* ва ҳоказо. Қорақалпоқ тилида *табиат қазғийдаларын уйрениў*, *табийғый ресурслар*, *табийғый ландшафт* ва ҳаказо.

Русча ва инглизча экологик терминлар ўзбек ва қорақалпоқ тилларида тўғридан-тўғри калькаланиш йўли билан ўзлаштирилган: рус тилида *бентос* термини грек тилидан ўзлашган бўлиб, *ventos* маъносини беради, инглиз тилида *benthos* – ўзбек ва қорақалпоқ тилларида *бентос* бўлиб ўзлашган ва сув ҳавзалари тубида яшайдиган организмлар йиғиндисини деган маънони беради. Шунга ўхшаш терминлардан *биогеоценоз* – *барқарор ер экотизими*; *биом* одатда *ушбу термин табиий-иқлим ҳудудларида жойлашган ўсимликлар таркибига ўхшаш экотизимларни англатиши* учун ишлатилади.

Ўзбек ва қорақалпоқ тилига рус тилидан ўзгармасдан қабул қилинган сўзлар кўп миқдорни ташкил қилади: *ботаник*, *ландшафт*, *кислота*, *ассоциация*, *формация*, *биомасса*, *доминантлик*, *биотик*, *антропоген*, *фитоген*, *зооген*, *экологик валентлик* ва ҳ.к.

³⁰ Акобиров С. Лексикографическая разработка терминологии в двуязычных словарях. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1969. – С. 39.

³¹ Крысин Л.П. Толковый словарь иноязычных слова. – М.: Русс.яз., 1998. –132 с.

Инглиз тилида экологик терминларни шаклланиши ва бойишида грек, лотин, немис ва француз тилларидан ўзлашган терминларнинг ўрни алоҳида. Инглиз тилидан рус тилига кириб келган экологик терминлар сифатида *ecology* (грек. *oikos* – уй-joy, *logos* – илм) – экология; *biology* (грек. *bios* – ҳаёт, *logos* – фан) – биология; *reservoir* (франц. *reservoir* – резервуар, бассейн, сув омбори) *резервуар, сув омбори*; *acclimatation* (лот. *ad-* к, грек. *klimatos* – кия) *акклиматизация*; *algology* (лот. *algology* – учение) – *альгология*, *antagonism* (грек. *antagonisma* – бахс, кураш) – *антагонизм*, *population* (лот. *population* – халқ) *популяция* ва бошқаларни киритишимиз мумкин.

Рус тилига ҳам экологик терминлар асосан лотин, грек ва француз тилларидан ўзлашган: *абиотическая среда* (грек. *á* – салбий заррача, *biotics* – ҳаётий); *абориген* (лот. *aborigenes* – бошидан); *абразия* (лот. *abrasio* – ковлаш); *биом* (грек. *bios* – ҳаёт + лот. *omata*, *omata*); *бонитировка почв* (лат. *bonitas* – яхшилик, *ижобий*); *валеология* (лот. *vale* – соғлиқ и *logos* – илм олиш); *деградация среды* (фр. *degradation* – пастламоқ, орқага юрмоқ, *сифати тушиши*); *локальный* (лот. *localis* – маҳаллий).

Рус тилидаги экологик терминларнинг кўпчилик қисмини француз, немис, лотин ва грек тилларидан ташқари инглиз тилидан ўзлашган кўпгина лексема ва бирикма шаклидаги терминлар ташкил этиш аниқланди. Уларнинг сони 260 тани ташкил этади. Инглиз тили лотин тили асосида шаклланган тил бўлганлиги боис бу тилдаги сўзларнинг аксарият қисми этимологик жиҳатдан лотин тилига бориб тақалади. Ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги экологик терминларни генетик таҳлили натижасида терминларнинг 65% қисми бошқа тиллардан ўзлашган сўзлардан ташкил топганлиги аниқланди.

Тадқиқотнинг учинчи боби «**Турли тизимли тилларда экологик терминларнинг деривацион таснифи**»га бағишланган. Бобнинг биринчи бўлимида экологик терминларни лексик деривацион хусусиятлари тадқиқ этилган.

Лексик деривацияни сермахсул усули ҳисобланади. Аффиксларнинг сўз яшаш соҳасида сермахсуллиги ўзбек ва қорақалпоқ тилларининг туб моҳиятидан, яъни уларнинг агглютинативлик хусусиятидан келиб чиқади. Бунда янги тушунчаларни ифодалаш учун тилда мутлақо янгидан пайдо бўлган лексемалардан эмас, балки мавжуд луғавий бирликларга ясовчи аффикслар кўшишдан ҳосил бўлган лексемалардан ҳам фойдаланилади. Лексемаларни ҳосил қилувчи аффикслар ясама терминлар ясалишида иштирок этади.

Экологияга оид терминшуносликда префикслар жуда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбек ва қорақалпоқ тилларида префикслар деярли йўқ бўлса-да, бироқ бошқа тиллардан инглиз ва рус тилидан ўзлаштирилганлари ўзбекча экологик терминлар яшашда фаол қатнашади. Ана шундай сўз ясовчи морфема тоифасига *эко-*, *био-* префиксларини киритиш мумкин. Ушбу префикс барча тиллардаги экологик терминлар тизимида энг фаоли ва кенг тарқалгани ҳисобланади: *экоэкономика*, *экотизим*, *биогенетика*, *биоэкология* ва б.

Эко- префикси экологик сўздан такрор фойдаланиш имкониятини тежаш ва чеклаш учун хизмат қилади. У грек тилидан олинган бўлиб,

байналминал олд кўшимча саналади. Инглизча-русча экологик луғатда эко-кўшимчаси билан ясалган 53 та кўшма термин ва 92 та кўп компонентли терминлар қайд этилган. *Био-* термин ясовчи кўшимчали сўзлар ушбу луғатда 209 та бирликни ташкил этади. *Транс-*, *диа-*, *гидро-*, *микро-*, каби грекча-лотинча олд кўшимчаларни мазкур гуруҳга киритишимиз мумкин: *биоэкономика, биометрия, гидробиос*.

Инглиз тилида конверсия анъанавий сўз яшаш усули бўлиб, унда сўз семалари парадигмаси сўз ясовчи восита сифатида хизмат қилади. Конверсия усули билан сўз яшаш ўзбек ва қорақалпоқ тилларида ҳам учрайди: *damage – зарар, to damage – зарар келтирмоқ; smog – тутун, to smoke – тутамоқ; flood – сув босиши, to flood – сув бостирмоқ*.

Инглиз тилида эколексемаларни яшашда куйидаги префикслар қўлланилади.

Dis – префикси сўз негизидаги маънога тесқари ҳаракатни ифодалайди. Лекин бу префикс билан ясалган сўзлар рус, ўзбек ва қорақалпоқ тилларига асосан бир ёки икки компонентли сўзлар орқали ва ўзбек тилида *-моқ, -иш*, қорақалпоқ тилида *-иў, -иў* кўшимчалари билан ясалади: *disforest*–рус. *вырубать лес*, ўзб. *ўрмонни кесмоқ*, қорақ. *тоғайди кесиў*; *disroot*–рус. *искоренять*, ўзб. *илдизини йўқотиш*, қорақ. *тамырын суўырыў*; *disarm*–рус. *обезвужить* ўзб. *қуролсизлантирмоқ*, қорақ. *қ уралсызландырыў*.

Over – префикси рус тилидаги *пере* – приставкасига мос келади. У ўзбек ва қорақалпоқ тилларида *устки ҳаракат, йўқотиш, ошиб ўтиш, устида туриш* ва *ҳаддан зиёд* деган маъноларни англатади. Баъзи ҳолларда ўзбек ва қорақалпоқ тилларида шу префикс билан ясалган экосўзлар от, феъл кўринишида ҳам ифодаланишини учратишимиз мумкин: *overpopulation* – рус. *перенаселять*, ўзб. *аҳолининг зич жойлашиши*, қорақ. *тығыз жайласыў*; *overflow*–рус. *наводнение*, ўзб. *сув тошқини*, қорақ. *суў тасқыны*; *overwash* – рус. *заплеск*, ўзб. *ювиш*, қорақ. *жуўыў*.

Anti–қарши, қарама қарши маъноларида қўлланиладиган маҳсулдор, ҳамда байналмилал сўз ясовчи кўшимча ҳисобланиб, *antibiotic, anticyclone, anthelion* қиёсланаётган тилларда бу префиксни учратамиз: *антибиотик, антициклон, антициклон*. Ўзбек ва қорақалпоқ тилларида ҳам бу префикс бирон нарсага *қарши, қарсы* лигини билдиради: *антибиотик, антициклон*.

Барча қиёсланаётган тилларда асосий қисми суффиксация усулида ясалган. Инглиз тилида *-er, -age, -ion, -ation, -fication, -ness, -ment, -ty, -ity, -nt* каби суффикслар экосўзлар яшашда иштирок этади. Ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги *-иш, -ш, -иў, -иў, -ў* суффикслари, русча *-ние, -ные, -ение* суффиксларига маъносига кўра мос келади. Улар асосан фақат феъл ўзакларига кўшилади ва мавҳум маъноли отлар ҳосил қилади: *излучение – нурланиш – нурланыў; явление – кўриниш – көриниў; измерение – ўлчов – өлшеў; ограничение – чеклаш – шеклеў* ва ҳоказо. Улар сўз ясовчи семантик калькалар деб ҳам таърифланади.

Ўзбек ва қорақалпоқ, инглиз ва рус тилларида айрим экосўзлар бир неча аффиксни ўз ичига олган бўлиши мумкинлиги аниқланди.

Ҳар бир тилда аффикс ўзакка тил учун ўзига хос бўлган морфология қоидаларига биноан қўшилади. Янги сўз ҳосил бўлишида унинг семантикаси сўз яшаш жараёнининг таъсирида ўзгаришига ва сўз туркумига ўтиб қолиши ёки ўтмаслигига қараб бир неча хил сўз яшаш муносабатлари фарқланади: сўзнинг семантикаси ўзгармайди, балки унинг бир сўз туркумига алоқадорлиги ўзгаради: *to liquidate*– *ликвидировать* – йўқ қилмоқ – жоқ қылыў феъл; *liquidation* – *ликвидация* – йўқ қилиш–жоқ етиў, рус, инглиз тилида – от, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида ҳаракат номи; ҳам семантика, ҳам сўз туркуми ўзгаради: *to extinguish* – *уничтожать* – йўқ қилмоқ–жоқ қылыў; *extinguished* – *потухший–ўчган–сонген*; семантика ўзгарса ҳам, сўз туркумига доир алоқадорлиги сақланиб қолади: *to forest* – *сажмат лес* – ўрмон барпо қилмоқ – тоғай егиў; *to deforest* – *вырубать лес* – ўрмонни кесмоқ – тоғайды кесиў.

Ўзбек ва қорақалпоқ тилида экологияга оид феълларнинг ясалишида – ла, -моқ, -лаштир, -лаштирмоқ, -ў, -иў, -ыў, -ластырыў каби суффикслар иштирок этади: *хлорламоқ* – *хлорлаў*; *ифлосламоқ*–*патаслаў*; *минераллаштирмоқ* – *минералластырыў* ва ҳоказо.

Учинчи бобнинг иккинчи бўлимида «Экологик терминларнинг синтактик-деривацион хусусиятлари» ҳақида сўз боради. Г.З. Розикова тадқиқот ишида синтактик деривация сўз бирикмаларидан бошлаб матнгача бўлган ҳудудда воқеаланувчи деривациялигини кўрсатган³².

Тил белгиларининг синтактик аспектда гапда сўзларнинг ўзаро бирикуви қоидаларидир. Сўзларнинг қўшилиши, унда қисмларнинг тартиби маълум бир маъноларни ифода этади, масалан, *тоза* ва *ҳаво* сўзларининг ҳар хил тартибда қўшилишидан ҳар хил характердаги, ҳар хил маънодаги белгилар ҳосил бўлиши мумкин.

Турли тизимли тилларда экологик терминларни тадқиқи уларни ясалишида баъзан уч ва тўрт компонентлар қатнашган бўлиши мумкинлиги аниқланди: ингл. *wild life; water-ratio; urban center; thick fog; plant ecology; marine life; float wood; droughty zone; derelict land; barren soil; waste land*; рус. *дикий мир; содержание воды; городской центр; густой туман; экология растений; подводная жизнь; сплавной лес; засушливая зона; заброшенная земля; бесплодная почва; пустая земля*; ўзб. *ёввойи дунё; сув миқдори; шаҳар маркази; қалин туман; ўсимликлар экологияси; сув ости ҳаёти; сузувчи ўрмон; қуриб қолган зона; ташландиқ ер; унумсиз ер; бўш ер; қорақ. жабайи дунья; суў қурамы; қала орайы; қалын думан; өсимликлер экологиясы; суў астындагы өмир; жүзиўши тоғай; қурган қалган жер; тасландық жер; өнимсиз жер; бос жер.*

Ўзбек ва қорақалпоқ тилларида уч компонентли терминлар: *инсониятнинг табиатга таъсири* – *адамзаттың табиятқа тәсири* –

³²Розикова Г.З. Ўзбек тилида синтаксик полисемия. филол.ф.ном. ...дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 34 Б.

воздействие человека на природу; атроф муҳитининг аҳволи – тәбияттын аўҳалы – состояние природной среды .

Ўзбек ва рус тилларида тўрт сўздан ташкил қилинган экологик терминлар қорақалпоқ тилида уч сўздан ташкил бўлган бўлиши мумкин: *табиий муҳитга иқтисодий зиён-тәбиятқа экономикалық зыян–экономический вред природной среде.*

Экологик терминларни от бирикмали синтактик қурилмаларнинг ҳоким компоненти от билан ифодаланади. Сўз бирикмасининг семантик деривациясини ўрганишда ҳоким компонент билан тобе компонентнинг муносабатга киришувчи маслаласи ҳам муҳимдир. Шу нарса синтактик деривациянинг юқори нуктасини белгилайди. Зеро алоқа воситаси семантик деривациянинг оператори функциясини бажаради. Оператор – бу семантик деривациянинг мутлоқ ҳосила унсури ҳисобланади.

Сифат+от моделида экологияга оид сўз бирикмалари компонентларининг синтактик муносабатлари битишув усули орқали юзага келади: *abiotic environment, allogenic succession; абиотический фактор, аллогенная сукцессия; абиотик фактор, аллоген сукцессия; абиотикалық фактор, аллоген сукцессиясы;*

От+от: *pollution abatement, waste assimilation, litter bin; борьба с загрязнением, поглощение отходов, мусорный бачок; ифлосликлар билан кураш, чиқиндиларнинг ютилиши, аҳлат қутиси; патаслықлар менен гуресиў, шығындылардын жутылыўы, аҳлат қутысы.*

Бирикмали экосўзлар ўзбек, қорақалпоқ, инглиз ва рус тилларида эколексиканинг кўп қисмини ташкил қилади. Улар тузилишига кўра эркин синтактик сўз бирикмаларига яқин туради. Агглютинатив тилларда бирикмали экологик терминларнинг компонентлари, асосан изофали боғланиш билан боғланган отларни ташкил қилади: *экологик хавфсизлик–экология қаўипсизлиги–экологическая безопасность; ўсимликлар дунёси–өсимликлердуньясы–растительный мир; ҳаво алмашиш–ҳаўа алмасыў–воздухообмен.* Бундай сўз яшаш усуллари кўпроқ экологик терминлар доирасида кузатилади ва улар аббревация ҳамда новербал субституция (алмаштириш) деб ҳам аталади. Масалан: *қисқартма сўзлар: GMO – genetic Modified Organisms– генлари ўзгартирилган мавжудотлар; СОЭ – скорость оседения эритроцитов; БМТ – Бирлашган Миллатлар Ташиқлоту ва б. Новербал субституцияга мисоллар: озон – O_3 , кислороднинг икки оксиди – O_2 , сульфат кислота – H_2SO_4 ва б.*

Бундан ташқари ҳозирги пайтда агглютинатив тиллар гуруҳига мансуб ўзбек ва қорақалпоқ тилларида калькалаш усули тараққий этган. Калькалаш янги сўзларни ўзлаштираётган тилнинг грамматик қонунлари ва сўз яшаш моделларига мувофиқ тарзда амалга оширилади: *ўз ўзидан тозалаш – оз озин тазалаў; ўз ўзидан ёниб кетувчи – оз озинен жанып кетиўиши; товушдан тез – даўыстан тез; ҳаво тозаловчи – ҳаўа тазалаўиши.*

Турли тизимларга мансуб тиллардаги эколексикада кўшма сўзлар ҳам мавжуд бўлиб, кўшма сўзлар компонентлари бир-бирига нисбатан тенг ёки тобе муносабатда бўлиши мумкин. Улар кўпинча битишув усулида ясалади

ва бу усул инглиз, ўзбек тилларида кенг тарқалган. Ушбу тилларда уч компонентли кўшма сўзлардан кўра икки компонентли кўшма сўзлар кўпроқ. Айрим ҳолларда бу сўзларда атрибутив боғланишлар ҳам кузатилади. Бу ҳол кўшма сўзлар компонентларининг мослашув орқали ҳам боғланиши билан ифодаланади: *snowfall–снегопад–қорбўрон-қарборан; durability–долговечность–узоқ чидамлилик–узаққа шыдамлы; rainbow–радуга–камалак.*

Учинчи бобнинг учинчи бўлимидан «Экологик терминларнинг семантик-деривацион хусусиятлари» хусусидаги кузатишлар ўрин олган.

Семантик деривация эса тил бирликлари ҳамда синтактик қурилмаларнинг ҳосилалари талқини билан шуғулланади.

Деривация лексик ёки синтактик характерда бўлишидан қатъий назар, тил материалининг таҳлили уч нарсага асосланади: а)операнд; б)оператор; в)дериват. Операнд – деривациянинг тил материали. Оператор – деривация вужудга келтирувчи восита тарзида. Дериват – деривация натижасининг ҳосиласини тақозо этади. Лексик деривация бир босқичли бўлади: (*чи, лик, ли, бай*) *тоза, тозалик, ўтзор. Жон + зот* (икки компонентли операнд). *Ифлос* (операнд): *ифлос+лик* (оператор - лик).

Экологик муаммоларни ҳисобга олиб, яъни экологик терминлар ифодалайдиган тушунчалар инсоннинг табиат, атроф-муҳитга нисбатан салбий ёки ижобий таъсири натижаси деб изоҳлаган ҳолда, экологик терминларни иккита катта лексик семантик гуруҳга ажратиб таҳлил қилдик: 1) *ижобий маънога эга экологик бирликлар*; 2) *салбий маънога эга экологик бирликлар*.

Биринчи гуруҳдаги эколексика, ўз навбатида қуйидаги микрогуруҳларга ажратилади: *ижобий маънога эга феъллар; табиий географик номлар; ҳайвонот ва ўсимлик дунёси терминлари; техника ва воситаларни ифодаловчи экологик терминлар; ишчи ходимлар номлари.*

Иккинчи гуруҳга мансуб эколексемалар қуйидаги микрогуруҳлардан ташкил топган: *салбийлик маъносини англатувчи феъллар; экологик ҳалокатлар; ифлосликни келтириб чиқарувчилар номлари; инсон фаолиятини англатувчи экосўзлар.*

Ижобий маъно англатувчи феъллар, яъни инсоннинг табиатга нисбатан ижобий муносабатини ифодаловчи феъллар. Инглиз тилида бу микрогуруҳ 300 та лексик бирлик, рус тилида 400 та лексик бирлик, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида 700 та лексик бирликни ташкил қилади. Ўзбек тилида: *тозаламоқ; ҳимояламоқ; чекламоқ; тозаламоқ; эҳтиёт қилмоқ; музламоқ; ифлослантирмоқ; қўриқламоқ; Қорақалпоқ тилида: тазалаў, қорғаў, шеклеў; тазалаў; абайлаў; музлаў; патасландырыў; қорықлаў; инглиз тилида: to purge, to protect, to limit; to purge; to preserve; to freeze; to clog; to safeguarded; рус тилида: очищать, защищать, ограничивать; добывать; охранять; замерзнуть; засорять; охранять;*

Ижобий маънодаги феълларнинг кўпчилиги сўз бирикмалари кўринишида қўлланади. Инглиз тилида: *to fight pollution; to preserve ecosystems; to harmonize industry; to preserve woollands; to reduce pollution;* Рус тили: *бороться против загрязнения; беречь экосистемы;*

гармонизировать промышленность; сохранять лесистые места; сократить загрязненность; Ўзбек тили: ифлосланишларга қарши кураш; экотизимларни эҳтиёт қилиш; саноатни мослаштирмақ; ўрмонли жойларни асраб авайлаш; ифлосликларни камайтириш; Қорақалпоқ тили: патаслықларга қарсы гурес; экосистемаларды абайлап асраў; санаатты масластырыў; тоғайлы жерлерди асырап абайлаў; патаслықларды кемейтириў. Улар куйида келтирилган моделлар кўринишида намоён бўлади: V + N (Verb and Noun); Г + С; О + Х номи; А + Х аты.

Салбий маънони англлатувчи экологик терминлар инглиз тилида 1170 тани, барча қиёсланаётган тилларда эса 1800 тани ташкил қилади. Мазкур экосўзлар 4 та микрогуруҳларга бўлинади. Ўзбек тилида: *ёқиш; камайтириш; ташламақ; ўлдирмақ; ифлослантормақ; халал бермақ; зарар келтирмақ; Қорақалпоқ тилида: жағыў; кемейтириў; таслаў; өлдириў; патасландытыў; кесент бериў; зарер келтириў; Инглиз тилида: to combust; to deplete; to damage; to clog; to dump; to extinguish; to foul; to litter; to pollute; to damage; рус тилида: сжигать; истоцать; повреждать; истоцать; окуривать; загрязнять; засорять; пачкать; наносить ущерб.*

Салбий маъноли экологик терминларни қиёсланаётган тиллардаги асосий қисмини содда сўзлар ташкил қилади. Масалан, экологик ифлословчилар номлари. Бу маънодаги экосўзларнинг кўп қисмини содда сўзлар ташкил қилади. Инглиз тили: *acid, fume, dirt, scraps, wastes, debris;* Рус тили: *дым, грязь, отходы, мусор;* Ўзбек тили: *тутун, ифлослик, чиқинди, қолдиқ, ахлат;* Қорақалпоқ тили: *тутинпатаслыққалдық қалдық, ахлат.*

Тадқиқотлар натижаси ижобий маъноли экологик терминларнинг салбий маъноли экологик терминлардан миқдорий жиҳатдан бир мунча камлигини кўрсатди.

Семантик деривация тилнинг луғат таркибини тўлдиришнинг жуда қизиқарли ва самарали усули бўлиб, бунда умумистеъмолдаги сўзларнинг терминларга айланиши кузатилди.

Ишнинг тўртинчи боби **“Турли тизимли тиллардаги экологик терминларнинг номинатив-деривацион таснифи”** деб номланиб, биринчи қисми терминологик номинациянинг асосий тамойиллари асосида тадқиқ қилинган. Терминологик дериватологиянинг мақсади илм-фан тилининг, шунингдек, махсус мақсадларга мўлжалланган турли тилларнинг деривацион механизми фаолиятига хос қонуниятларни таърифлашга эътиборни жамлашдан иборат. Илм-фан тилининг термин ясовчи қатлами мустақил тизим ҳисобланиб, унга бир қатор тамойилларни, хусусан яхлитлик, иерархия асосига қурилганлик, тизим таркибини белгиловчи элементларнинг мавжудлиги, улар ўртасидаги муносабатни киритиш мумкин. Ушбу фан ҳам тизимнинг умуммиллий терминологик тизимида, ҳам махсус мақсадлар учун мўлжалланган аниқ тиллар доирасида ҳосила ва мураккаб терминларнинг деривация (ҳосил бўлиши), ишлатилиши, қурилиши ва таснифланишининг барча жиҳатларини ўрганади.

Термин яшашнинг айрим ҳодиса ва механизмларини тадқиқ қилиш узоқ вақт давомида шунчаки термин яшаш типлари, усуллари, услубларини қайд этиш ва рўйхатга олиш билангина чекланиб, бунда асосан сўз яшаш назарияси тушунчаларига таянган ҳолда иш юритиларди, ваҳоланки, бу унчалик ҳам тўғри эмас: "...ахир лингвистик жиҳатдан олганда оддий сўз ва термин – бу бутун бир муаммо"³³.

Терминологик номинация умумлисоний тамойиллар асосида амалга оширилади. Унинг ўзига хослиги алоҳида турдаги номлар – терминларнинг ҳосил бўлишидан иборат. Номлаш жараёнида инсонларнинг илмий-амалий фаолияти натижасида шаклланадиган махсус тушунчанинг лисоний белгига бириктириб қўйилиши содир бўлади. Термин ва у билан белгиланадиган тушунчанинг чамбарчас боғлиқлиги илмий термин ижодкорлиги учун базани шакллантиради, буни тушуниш терминни атроф-дунёни акс эттирувчи ва бир вақтнинг ўзида инсоннинг билим олиш фаолияти натижаси ва воситаси ҳисобланган аҳамиятли бирлик сифатида кўриб чиқиш имконини беради.

Соҳага хос терминларда (экологик термин) номинатив бирликларни ҳосил қилиш учун умумдабий тил сўзларини ҳосил қилишда ишлатиладиган усуллардан фойдаланилади. Янги терминларни ҳосил қилишда номинациянинг барча усулларида у ёки бу даражада онгли равишда шундайлари танлаб олинадики, улар махсус соҳалардаги янги тушунчалар, янгидан кашф қилинган ва янги пайдо бўлган предметларни белгилаш мақсадларига самарали хизмат қилади.

Ўзбек ва қорақалпоқ тилларининг экологик соҳасидаги луғат таркиби аввал ҳам, айти пайтда ҳам асосан, деривацияни ривожлантириш ҳисобига тўлдириб борилмоқда. Халқ ҳаётининг барча томонларини акс эттирган турли-туман тузилиш ва семантикага эга кўплаб сўзлар, муайян даврда тилнинг сўз яшаш механизми қандай ишлайди, ҳосила сўзларнинг қандай синфлари айниқса фаол тўлдириб борилишини, қайсилари эса сустликни намоён қилишини кўрсатади.

Экология соҳасига оид терминлар номинацияси ҳам эколексемалар номинациясига ўхшаш принципларга эга. Терминология соҳасидаги бирор бир мақсадга йўналтирилган номинатив фаолият керакли терминбоп маълумот, термин деб аталадиган махсус ном орқали ўзининг энг аниқ ва ўзига жуда мос бўлган ифодасини топиши кераклигини тақозо этади. Эколексика доирасидаги иккиламчи номинация янгидан янги экологик терминларни яратишга қаратилган ўзига хос ижодий жараён ҳисобланади.

Бир бирига яқин маънони ифодалашда номинация натижасида бир неча лексик қатламдан фойдаланиш мумкин. Масалан, *фалокат* лексемасини инглиз тилида *nuclear, criticality, core disruptive, core heat-up, core-melt, design basis, prompt-period* лексик номинация орқали фалокат(авария) қай даражада ва қаерда содир бўлганини англатади: *core disruptive* – актив зонани емирилиши натижасида авария содир бўлиши; *core heat-up* – актив

³³ Зенков Г. С. Аналитический и динамический аспекты дериватологии // Русское общее и терминологическое словообразование. – Краснодар, 1993. С. 11-12.

зонани қизиши натижасида авария (халокат) содир бўлиши; *core-melt* – актив зонани эриши натижасида авария (халокат) содир бўлиши; *design basis* – максимал проект аварияси; *extreme* – экстремал авария; *high consequence* – оғир оқибат натижасида юз берган авария; *design basis – авария с большой* – катта оқим натижасида юз берган авария; *maximum credible* – эҳтимолли фалокат; *offshore drilling* – денгиз ҳавзасида юз берган фалокат.

Экологик соҳани тавсифловчи терминологик номинациянинг ўзига хослиги шу билан асосланадики, бунда бир номлаш усуллари бошқа усуллардан устун бўлиши мумкин, улар у ёки бу тушунчавий соҳага мойилроқ бўлиши мумкин, номинациянинг муайян турлари лисоний воқеликнинг турли қисмлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан: *biological productivity* – биологическая продуктивность – биологик маҳсулдорлик; *biological filter* – биологический фильтр – биологик филтёр; *biological pollution* – биологическое загрязнение – биологик ифлосланиш; *biological waste* – биологические отходы – биологик чиқинди; *biological rhythms* – биологические ритмы – биологик ритмлар; *biological diversity* – биологическое разнообразие, биологик турли – туманлик; *resources biological* – биологические ресурсы – биологик ресурслар; *biological water testing* – биологическое тестирование воды – сувни биологик текшируви.

Экология соҳасидаги номинациялаш инсоннинг экологик фаолияти ва касб соҳасидаги ҳатти-ҳаракатларини ифодалашга хизмат қилади. *Атропо-муҳитнинг ифлосланиши (environmental pollution)*, *экологик жиҳатдан зарарли ишлаб чиқариш (ecologically harmful activities)*, *атроф муҳитни бошқариш (environmental management)* каби асосий маънолар унинг натижасида лисоний қобикқа ўралади.

Янги экологик номларда аввал мавжуд бўлган тайёр лексик маънолар иштирок этади *ёмғир (жаъён, дождь, rain)*, *қиш (қыс, зима, winter)*, *бўрон (боран, бура, storm)*, *туман (думан, туман, fog, mist)*, *шамол (самал, ветер, wind)*.

Иккиламчи номинация туфайли ҳосил қилинган экосўзлар тилда мавжуд тайёр тил бирликларининг маъно ва мазмун жиҳатдан ўзгартиради ва ўзлари учун иккиламчи функцияни бажаради: *мас, қуруқ ер (қурғақ жер, суша, dry land)*, *сув ҳавзаси (суў ҳаўзеси, водоём, reservoir)*, *сув ўтлари (суў отлары, водоросли, water - plant)*, *шаршара (шаршара, водопад, water-fall)* ва б.

Бевосита номинация кўп тилларда кенг тарқалган номинациялаш усули ҳисобланади. Бунда мотивацияга мойил белги тўғри маъноли сўз (ёки сўзнинг тўғри маъноси) орқали тўғридан тўғри, ифодаланади: *сув(ли), водный, watershed*; мотивациялашган белгининг мазмуни мотивацияловчи сўзнинг лексик маъносига мувофиқ келади.

Инглиз, рус, ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги экологик лексиканинг бевосита номинациялаш усулида ясалган қисмини қуйидагича гуруҳлаш мумкин. Касблар номларини билдирувчи гуруҳ: *ecologist* – *эколог –эколог*;

Мавҳум тушунчаларни билдирувчи гуруҳ: *capacitance* –*ёмкость*, *explosibility* – *взрываемость*; Ҳаракат, жараён, ҳолатни билдирувчи гуруҳ: *adjustment*–*регулирование*.

Билвосита номинация асосида метафорик кўчириш, кўчим усули ётади. Ушбу механизмнинг асосий принципи икки турли объектдаги умумий белгиларни ассоциациялар орқали яқинлаштиришдан иборат³⁴. Сўздаги кўчма маъно номланади ва бунда янгича мазмун ва янги маъно пайдо бўлади. Метафора ва ўхшатишлар турли тизимларга мансуб тиллардаги эколексика учун алоҳида аҳамиятга эга ва бу лисоний соҳа учун доимий ҳодисалар сифатида намоён бўлади. Ўзбек ва қорақалпоқ тилларида: *тоғ тизмаси*, *қўлтиқ*, *дарёнинг қуйилиши жойи*; *тоғ этаги*, *ер қобиғи*; *тупроқнинг кучсизланиши*, *дарёларнинг сувга тўйиниши*; *нефтўтказгич*, *сув сақлагич*, *сув ўтказувчанлик*; *ер қобиғи*, *тупроқ қобиғи*.

Рус тилидаги эколексика доирасида қуйидаги метафорик термин бирликлари аниқланган: *красавый дождь*; *давление жизни* ва ҳоказо.

Экологик терминларни номинатив деривацион жараёнида рангни кўллаш орқали номлаш 0,8 % ни ташкил қилиши аниқланди.

³⁴ Қаранг: Арутюнова Н.Д. Номинация и текст // Языковая номинация. (Виды наименований). М., 1977.; Володина М.Н. О специфике терминологической номинации // Вестн. Моск. ун-та. Серия 9, Филология. М., 1986. N5. С. 38-47.; Володина М.Н. Теория терминологической номинации. – М.: Изд.Московского Универ.,1997. - 180с.;

ХУЛОСА

1. Турли мамлакатларда амалга оширилаётган терминологик фаолиятни таққослаш жараёнида пайдо бўладиган мураккабликлар нафақат алоҳида тилларнинг ўзига хослиги, балки терминларнинг тиллар тизимидаги алоҳида ўрни билан боғлиқлигини кўрсатади. Шу тариқа терминологик нуқтаи назардан тиллар турли даражада ривожланганлигини эътироф этиш жоиз.

2. Экология термин тизимини лингвистик жиҳатдан тадқиқ қилиш, ушбу илмий соҳада ишлатиладиган терминологик birlikларнинг тузилиши ва семантик тавсифларини таърифлаш, шунингдек экологик терминларнинг кўп тилли луғатларини шакллантириш экология бўйича махсус адабиётларни таржима қилишда пайдо бўладиган қийинчиликларни бартараф этишга ёрдам бериши мумкин.

3. Терминологик деривация глобал жараён сифатида экологик термин тизимида асосий омил ҳисобланади ва уни барқарорлаштириш, шакллантириш воситаси бўлиб хизмат қилади. Барча деривацион жараёнларни экологик терминларнинг деривацион салоҳияти ва когнитив хусусиятларини акс эттирувчи натижа сифатида талқин қилиш мумкин.

4. Экологик термин – сўз ёки сўз бирикмаси бўлиб, деннотатив, сигнификатив, синтагматик, категориал ва грамматик маъноларни ўз ичига олган семантик ва шаклий белгиларига эга. Экологик термин – бошқа экологик терминлар билан синонимик, полисемик, баъзан омонимик муносабатларга киришади.

5. Ўзлаштириш жараёни функцияси бўйича кўпинча деривация жараёнлари билар бир хилда бўлади. Бу эса терминларнинг турли-туманлиги ва тузилиш ҳамда семантикасига кўра фарқланадиган турларининг спецификасини асослайди. Ўзлаштириш ва термин яшаш жараёнлари бир вақтнинг ўзида содир бўлиши мумкин. Ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги эколексика ҳозирги пайтга келиб сертармоқ тизимга айланган янги экологик тушунчаларни ифодалашга бошқа тиллардан, масалан, араб, форс, инглиз, рус ва бошқа тиллардан қабул қилинган терминлардир.

6. Ҳар қандай тилда бўлгани каби ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги терминлар бошқа тиллар таъсири остида янги сўзларни ўзига ўзлаштириб боради ва натижада фақат ўзларига тегишли лексик birlikлар, сўз ясовчи воситалар, янги сўз яшаш усуллари, янги деривация механизми юзага келади. Ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги экологик терминларни генетик жиҳатдан таҳлил қилишимиз шу нарсани кўрсатдики, бундай терминларнинг катта қисми (65 %) бошқа тиллардан ўзлашган сўзлардан ташкил топган.

7. Экологик терминларнинг шаклланишида ҳар бир манба ўзига хос термин яшаш усуллари талаб қилади. Булар: семантик усул, сўз яшаш ва калькаләш жараёнидир. Экологик терминлар яшашнинг ҳар бир манба ва ҳар бир усули яратилаётган терминнинг семантик структурасини

белгилайди. Бу эса ўз навбатида, унинг қўлланиш доирасини аниқлаш имконини ҳам беради.

8. Қорақалпоқ тилида мавжуд бўлган экологик терминларнинг кўп қисмини туркий тилларга муштарак бўлган терминлар ташкил қилади. Уларни лисоний жиҳатда ўзбек тили билан қиёслаб ўрганилганда катта ўзгаришларга учрамагани кўзга ташланади.

9. Лексик деривация ҳар доим иккиламчи номинацияга ишора қилади. Бу жараёнда эса ўз навбатида, деривация учун асос бўлаётган туб ҳамда ҳосила структура қолипида семантик номуштараклик рўй беради. Чунки лексик деривация ўз табиатига кўра марказдан қочувчи характерга эга.

Изланишларимиз экологик терминология яхлит бир система сифатида бир қанча мавзу ва мазмун гуруҳлардан ташкил топганини яққол кўрсатди.

10. Терминлар ясалишининг аналогия, корреляция ва дефиниция усуллари аниқланди. Бир бирига яқин тушунчаларни ифодалашда сўз ясовчи моделларнинг такрорланиши кузатилди. Аналогия усули энг маҳсулдор усул бўлиб, у бир сўзда турли билим соҳасига оид тушунчаларни ифодаловчи терминларни бирлаштириш имконини беради. Бир ўзакли корреляция натижасида ҳосил бўлган ясама сўзлар қатор сўз ясовчи уялар, занжирларни ҳосил қилади. Уларнинг семантикаси экологик термин тизимининг турли категориялари билан боғлиқ. Дефиниция усули терминлар ясашда анъанавий ҳисобланади. Умумистеъмолдаги сўзларнинг семантик ўзгариши натижасида ҳам ихтисослашган терминлар ҳосил қилинади.

11. Ўзбек ва қорақалпоқ тилларида ҳам янги экосўзлар конверсия, яъни бир сўз туркумига тегишли сўзнинг бошқасига ўтиши натижасида ҳосил бўлади. Бунга асосан, отлар тоифасига ўтиб қолган сифатлар, ҳаракат номлари кириши аниқланди. Турли тизимларга мансуб тиллардаги эколексиканинг ясалиш хусусиятларидаги кўп жиҳатлар типологик категориялар сифатида намоён бўлади. Экосўз ва экологик терминларнинг асосий лексик семантикаси тил иерархиясининг лексик ва синтактик миқёсларида ҳар бир тилнинг ўзига хос ва фарқли сўз яшаш воситалари ва усуллари орқали ўз ифодасини топади.

12. Турли тизимларга мансуб тиллардаги эколексиканинг тадқиқ этилиши шуни ҳам кўрсатдики, ундаги турли ЛСГ ларга мансуб экосўзларнинг асосий маъносига қўшимча яна коннотатив эмоционал баҳолаш маънолари ҳам қўшилиши аниқланди. Буни экосўз ва экологик терминлар ифодалайдиган тушунчалар инсоннинг табиат, атроф-муҳитга нисбатан салбий ёки ижобий таъсири натижаси деб изоҳлаш мумкин.

13. Ижобий маъно англатувчи феъллар, яъни инсоннинг табиатга нисбатан ижобий муносабатини ифодаловчи феъллар. Бундай сўзлар салбий маъноли феълларга нисбатан анча оз. Инглиз тилида бу микрогуруҳ 300 та, рус тилида 400 та, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида эса 700 та лексик бирликни ташкил қилади.

14. Салбий маънони англатувчи экосўзлар барча қиёсланаётган тилларда 1800 тани ташкил этади. Бу экосўзлар 4 та микрогуруҳларга бўлинади.

15. Экология соҳасига хос бир сўздан иборат номлар биз таҳлил қилган корпуснинг учдан бир қисмидан ортиқроғини ташкил этади (2000 та терминдан 342 таси), ёки 34%. Ўз навбатида, улардан кўпчилиги бошқа соҳадан (геология, биология, география, медицина ҳуқуқ ва ҳ.к.) номлари термин тизимига тайёр лисоний birlikлар сифатида кирган: ўзлашмалар ва семантик дериватлар ҳам шулар жумласидан, булар жами 111 birlikдан 118 тани ташкил қилади.

16. Терминологик деривациянинг долзарб муаммоси терминнинг сўз туркумларига хос спецификасига оид масаладан иборат. Терминологик деривация жараёнларини ўрганиш шуни кўрсатдики, терминларни яшаш қуйидаги таснифлаш орқали бўйича амалга оширилади: лексик-семантик, морфологик, синтаксик морфолого-синтаксик, номинатив ва терминологик ўзлаштириш усуллари.

Синтактик усулда ясалган терминлар деярли 74% ни ташкил қилади. Тузилишига кўра улар одатда базавий элемент (ядро) ва ядрони белгиловчи элементдан иборат бўлади.

17. Экологик лексиканинг номинацияланиш жараёнида шундай лексик семантик микротизим ҳосил бўладики, ундаги ҳар қандай янги ҳосил қилинган номинатив birlik эҳкисига нисбатан мослашади. Улар ўртасида шундай мотивация муносабати юзага келади ва у асосий фарқловчи белгини ёки ясалаётган номнинг белгиларини акс эттиришга хизмат қилади.

Экологик терминларнинг таҳлили инглиз, рус, ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги экологияга оид сўзларни номинация нуқтаи назаридан шартли равишда икки катта гуруҳга ажратиш мумкинлигини кўрсатади. Экологик терминларни номинатив деривацион жараёнида рангни қўллаш орқали номлаш 0,8 % ни ташкил қилиши аниқланди.

18. Терминологик қатламнинг деривацион тизими ноёб лисоний феномен бўлиб, у ҳали чуқур ўрганилмаган. Экологик терминологияни ўрганиш кишиларнинг экологик маданиятини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Келгусида ўзбек ва қорақалпоқ тили экологик терминларининг лексикографик жиҳатдан мукамал изоҳли луғатини яратиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу вазифани амалга оширишда эколог ва тилшунос олимларнинг ўзаро ҳамкорлиги талаб этилади.